Taqiqot.uz

# YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIY KONFERENSIYA

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | CONFERENCES |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJIY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



D.I. MENDELEEVNING KIMYOVIY ELEMENTLAR DAVRIY JADVALI





TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



FEVRAL

№49

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

# НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН: ИННОВАЦИИ, НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ ЧАСТЬ-3

# NEW UZBEKISTAN: INNOVATION, SCIENCE AND EDUCATION PART-3

ТОШКЕНТ-2023

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]**

**“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим”** мавзусидаги республика 49-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 16 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегияси-дан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

**1. Турдымуратова Д.**
ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДЫҢ ӘЙЙЕМГИ ДӘСТҮРИЙ МӘДЕНИЯТЫ (АРХЕОЛОГИЯЛЫҚ ТАБЫЛМАЛАР ТИЙКАРЫНДА)................................................................ 7
**2. Турсунов Беҳзодбек Баходирович, Рустамжонов Жаҳонгир**
ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТИЛИШИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ........................................................................................ 10
**3. Hulkar Ibragimova**
“GULSHANI DAVLAT” ASARIDAGI MASNAVIYLARDA MAVZU VA G‘OYA............. 13

## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

# ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДЫҢ ӘЙЙЕМГИ ДӘСТҮРИЙ МӘДЕНИЯТЫ (АРХЕОЛОГИЯЛЫҚ ТАБЫЛМАЛАР ТИЙКАРЫНДА)

**Турдымуратова Д.**
Қарақалпақ мәмлекетлик
университети 2-курс магистранты

***АННОТАЦИЯ:*** Қарақалпақстан жеринде бронза дәўиринде еки археологиялық мәдениятты пайда еткен қәўимлер ҳәм олардын турмиси хакинда.Бул макаламизда Каракалпак жеринде даслепки дауирде пайда болган ьадениятлар хаккында толикрак маглиуматка ийе боламизю .Булар Суўжарған хәм Тазабағжап.

***КАЛИТ СЎЗЛАР:*** Қарақалпақ жеринде мәдениятиң пайда болыуы,Тазабағжап мәдenияти, Сўужарған мәдeнияти, Қарақалпақстандағы бронза дәўириндеги қазып изертленген естеликлерге, дийханшылық, шаруашылық

Қарақалпақстан жеринде бронза дәўиринде еки археологиялық мәдениятты пайда еткен қәўимлер жасайды. Булар Суўжарған ҳәм Тазабағжап мәденияты болып есапланады. Б.э. шекемги 2 мыңыншы жыллар ортасында Орта Азияның қубла районларында дийханшылық пенен шуғылланып, қоңсы қәўимлер менен экономикалық-мәдений байланыста болып жасаған қәўимлердиң бир топары Әмиўдәрьяны өрлеп келип, Ақшадәрья дельта бойындағы Келтеминардың урпақлары менен араласып ҳәм суўжарған мәдениятын пайда етеди. Қубла Арал жерлери, қубладағы дийханшылық орайлары менен арқадағы кең далалықта жасаған көшпели шарўалар арасында жайласқаны ушын, қублалылардың мәдений тәсири көшпели қәўимлерге ҳәм Қубла Арал халықлары арқалы өткен. Суўжарғанлылар, суўғарып дийханшылық етеди, шарўашылық ҳәм балықшылық пенен де шуғылланады. Оларда өндириўши хожалық түри өмир сүреди. Суўжарғанлардың материаллық мәдениятында, әсиресе, гүлал ыдысларды түри, нағыслары Түркменстанның қубла районында, Анаў мәканында ҳәм Иранның шығыс таў етеклеринде жасаған қәўимлердиң хожалық буйымларына уқсаўы, бул еллер арасындағы мәдений байланысларды дәлиллейди. Суўжарғанлылар бронза дәўиринде Қазақстан аймағында жасап ҳәм «Федоров» мәдениятын пайда еткен көшпелилер менен де мәдений байланыста болған. Суўжарған мәдениятына тийисли естеликлерге: Қамыслы 1,2, Жанбас 6, Базар 1,2 ҳәм Қаўынлы 1 жатады[1].

Б.э.шекемги XV әсирде, Суўжарғанлар менен иргелес Тазабағжап мәдениятының пайда болады. Тазабағжап мәдениятының пайда болыўына б.э. шекемги 2 мыңыншы жыллары қубла Арал бойларына, жергиликли халықлар арасына қубла Урал бойларында Сруб мәдениятын пайда еткен, батыс Қазақстанда ҳәм Сибирьде шарўашылық пенен шуғылланған қәўимлердиң араласыўы себеп болады. Нәтийжеде Тазабағжаплылар, Евразиядағы бронза мәдениятын пайда еткен халықлар қурамына араласады. Евразияның көшпели қәўимлери, мал жайлаў излеп ҳәм Орта Азияның қубла районларына араласады. Соның менен бирге, Тазабағжаплылар, Орта Азияның қубла районларындағы отырықшы дийханшылық мәдениятын пайда еткен халықлар менен де байланысин үзбейди. Усы дәўирдеги исленген Тазабағжаплылардың таярлаған гүлал ыдыслары Қазақстан, Сибирь ҳәм Волга бойы жерлериндеги жасаған халықлардың гүлал буйымларына уқсас болады. Бирақ, Тазабағжап мәдениятı өзине тән өзгешелиги менен, Шығыс Европадағы көшпели шарўалар пайда еткен Сруб мәдениятынан, Қазақстан ҳәм Сибирьдеги Андронов мәдениятынан айрылып турады. Себеби Тазабағжапшылардың хожалығы қурамалы болып ҳәм бул жерде дийханшылық кең тарайды. Тазабағжапшылардың турақ жайлары еки-үш бөлмели жайлардан турып, олар бир-биринен 30-150 м қашықлықта, канал жағаларында ҳәм атыз басларында жайласады.

1 Мәмбетуллаев М., Туребеков М. Қарақалпақстан тарийхы. Нөкис «Қарақалпақстан» 2010.

Тазабағжаплылар, бронза әсиринде Әмиўдәрьяның ески тармағы Ақшадәрья дельта бойларында суўғарып дийханшылық етеди. Дийханшылық егинлерин суўғарыўда ҳәм Әмиўдәрьяның тасқын суўларынан пайдаланады. Дийханшылықта тәжирийбелер топлап, гүлше атызларға, салмалар арқалы суўларды апарып, жап қазып ҳәм егислик жерлердиң көлемин кеңейтеди. Дийханшылықтың қазып, егислик жерлердиң көлемин кеңейтеди ҳәм дийханшылықтың өнимин арттырады. Қарақалпақстандағы бронза дәўириндеги қазып изертленген естеликлерге Жанбас -21-30-33, Қават 3, Анка 5, Көкше 16-19 ҳәм басқалар киреди. Усы ўақытта қәнийгелескен өнермент усталар болып, олар мыс, бронзадан моншақ, жүзик ҳәм сырға ислейди. Ең дәслеп өнермент усталар өз қәўим ағзаларының талабын қанаатландырыў ушын ислеген. Олар сатыў-сатып алыў ушын таярламаған. Жәмийет ағзалары өнермент-усталарды азық-аўқат өнимлери менен тәмийинлеп отырған. Қабат 3 мәкан жайынан бронзадан исленген қураллар ислейтуғын устахана орны ашылып ҳәм изертленди. Бул жерден қурал ислейтуғын қәлиплер, металл ҳәм қураллардың сынықлары табылды. Көкше 3 мәканы әтирапында бронза дәўириндеги қәбирстанда қазып ҳәм изертленди. Қабирлердеги өликлерди бүкшейтип, бас сүйеклерин батысқа қарап жерлеген. Гейде ерли зайыпларды бир қәбирге, аўқатлар салынған ыдыслар, қураллар ҳәм безениў затлары менен бирге салып жерлеген. Бул қәбирстан, үлкен туўысқан қәўимге тийисли болған[1].

Қарақалпақстанның әййемги Хорезм менен жақыннан қатнаста болыўы, оның мәдениятына да әдеўир тәсир тийгизген. Хорезм ҳалықлары VI-VIII-әсирлерден баслап-ақ Арал жағаларындағы «батпақлықтағы қалалар» турғынлары менен мәдений қатнасықлары Әмиўдәрьяның аяғындағы «Күйик қала», «Төққала» қусаған археологиялық естеликлерде де көринеди.[2]Бул қалалардан шыққан материаллық естеликлериндеги жазылған қарақалпақлардың урыў- атамаларына сәйкес келетуғын дереклер бугинги тарийхшыларымызды хайран қалдырмақта. Топырақ қала сарайының гейбир залларында, ҳәр түрли жергиликли бояўлар менен дийўалға салынған декоратив нағыслар болған.

Тахтакөпир районының территориясынан табылған «Барақ там» да Хорезм архитектурасы менен көшпелилердиң қара үй соғыў дәстүрлери араласқан. Археологлардың болжаўлаўынша, жайдың екинши этажының төбеси, кийиз бенен жабылып турған.[3] Усы жағынан қарағанда, көрнекли илимпаз С. П. Толстовтың «Әййемги Хорезм мәдениятын излеп» деп аталған мийнети қарақалпақ. халқының шығысин изертлеўде де оғада баҳалы мийнет болып есапланады. Бирнеше дәўирлерди өз ишине алатуғын «Аяз қала», «Бурлы қала», «Қой қырылған қала», «Қырық ңыз қала», «Дәў кескен қала» материаллары буның айқын дәлийли бола алады. Бул қалалардьщ, тарийхы қарақалпақлардын. әййемги дәуир тарийхы менен оғада үнлес. Сонлықтанда бул естеликлердиң тарийхый шығысына үлесин қосқан жас илимпаз Ю. П. Манылов «Бул естеликлер әййемги Хорезмниң ҳәзирги халықлары менен бир қатарда қарақалпақ халықларының антик дәўиринен дерек береди»[4] - деп туўры көрсеткен еди. Усы дәўирдеги мәденияттың қарақалпақ халқына қатнасы мәселеси ҳаққында сөз болғанда да, биз сөзсиз халық аўзындағы анызлар ҳәм бул аңызлардың тарийхый шынлығы мәселесине тоқтамай өте алмаймыз. Себеби қанлы урыслар дәўир тариихларын жоқ етип жибергенлиги де мәлим. Бирақ сол дәўирлердиң елеси атадан балаға, баладан әўладларға өтип, аңызлар арқалы өз изин қалдырады. Ал бул ауыеки естеликлер өтип кеткен тарийхымыздың ерте дәўирлерин тирилтиўге ҳәрекет жасайды. Соның ушын да академик Марат Нурмухамедов: «Қарақалпақ поэзиясының дереклери оғада ерте заманлардан, әйиемги уакытлардан басланады. Халық поэтикалық сөзсиз жасай алмайлы. Ал оның әдебиятынын сағалары оғада ерте ўақытлардан, қарақалпақ халқы келип шыққан әйиемги массагетлер, черноклобуки, пененег, қыпшақ ноғай аўқамларынын руўҳый

1 Мәмбетуллаев М., Туребеков М. Қарақалпақстан тарийхы. Нөкис «Қарақалпақстан» 2010.

2 А. Алламуратов. «Қарақалпақстан искусствосының тарийхынан», Нөкис 1958 7-бет

3 С. П. Толстов. «Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» АН. УзССр в 1955-56, «Советский археолог», 1958 1.

4 Ю. П. Манылов «Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья» автор Ф. К. И. Н. Ташкент, 1972 жыл

өмиринен излеў керек»[1] -деп көрсеткен еди. «Қарақалпақ ҳалқының тарийхы да ашылмай атыр. Жазба тарийх сақланбаған. Солай болсада бул салада әдебият естеликлери жәрдем бериўи мүмкин» — деп есаплайды академик М. К. Нурмухамедов[2].

Бизиң үлкемиз әййемги естелиқлер орайы. Бул илимий орай пүткил дүнья алымлары тәрепинен де мақулланған. Буннан тысқары бул қазылмалардан табылған дәскелер, антропологиялық өзгешеликлер қарақалпақлар турмысынан узақлап кете алмайтуғыны да аньқланған. Соның ушын, бизиң археологларымыз бул жаналықлар ҳаққында әдеўир китаплар да жазып жүр.

Бирақ бул жаңалықлар халық массасына тереӊ жетип барып атырған жоқ. Сол тййкарда ҳәзирги Қарақалпақстан жеринен табылған қазылмаларды үшке бөлип қараў мүмкин.

1. Бизиң эрамыздан бурынғы дәўирде пайда болған қалалар: булардың қатарына «Миздакхан», «Барақ там», «Кердер», «Бурлы қала», «Қырьқ қыз», «Қой қырылған қала», «Жамбас қала» ҳәм басқа да естеликлерди көрсетиў мүмкин.

Бизиң эрамыздан баслап, қарақалпақ атамасы пайда болған IX әсирге шекемги естеликлер. Бўлардан: «Шылпық», «Кердер» (Кердер тап) IX әсирге шекем өмир сүрген, «Моншақлы», «Мазлумхан сулыў», «Кат» ҳәм тағы басқалар.

Шыңғыс хан басқыншылығы дәўириндеги қалалар қатарына «Қият», «Күйик қала», «Жампық қала», «Гүлдирсин» ҳәм басқалар киреди.

**ПАЙДАЛАНЫЛАН АДЕБИЯТЛАР:**

1. Мәмбетуллаев М., Туребеков М. Қарақалпақстан тарийхы. Нөкис «Қарақалпақстан» 2010.

2. А. Алламуратов. «Қарақалпақстан искусствосының тарийхынан», Нөкис 1958 7-бет

3. С. П. Толстов. «Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» АН. УзССр в 1955-56, «Советский археолог», 1958 1.

4. Ю. П. Манылов «Археологические памятники Султануиздага эпохи античности и средневековья» автор Ф. К. И. Н. Ташкент, 1972 жыл

5. М. Нурмухамедов. «Қарақалпақ жазба әдебиятының дөреяй ҳаққында», Амиўдәрья, 1968 жыл, № 6

6. М. Нурмухамедов. «Қарақалпақ жазба әдебиятының дөреяй ҳаққында», Амиўдәрья, 1968 жыл, № 6

1 М. Нурмухамедов. «ҚараҚалпаҚ жазба әдебиятыныҚ дҚреяй ҚаҚҚында», Амиўдәрья, 1968 жыл, № 6

2 М. Нурмухамедов. «ҚараҚалпаҚ жазба әдебиятыныҚ дҚреяй ҚаҚҚында», Амиўдәрья, 1968 жыл, № 6

# ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТИЛИШИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

**Турсунов Беҳзодбек Баходирович**
Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
гуманитар фанлар
кафедраси ўқитувчиси
behzod.tursunov.88@mail.ru
тел. +998 90 547-88-89
**Рустамжонов Жаҳонгир**
1-81 гуруҳ талабаси

***Калит сўзлар:*** жадид, маърифатпарварлар, тарғибот, хорижий тил, таълим, миллий равнақ.

***Аннотация:*** Ушбу мақолада маърифатпарварлик ғоялари тарғиботчиларининг хорижий тилларни ўрганишга қаратган эътибори баён этилади. Шунингдек, мақолада Ибрат, Беҳбудий, Мунаввар қорининг хорижий тилни ўрганиш зарурияти ҳақида фикр билдирилган.

Тарихнинг шундай улкан бир даврлари борки, ўша давр инқилоблари, ёки кашфиётлари ўзига хос тарзда мухрланган. Ана шундай улкан ўзгаришлар ва ривожланишларга замин яратган аждодларимиз XIX аср охири ва XX аср бошларида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган ва тарғиб этган жадидчилик мактаби вакилларидир.

Айтиш жоизки, бу даврларда Туркистонда ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий вазият ҳосиласи сифатида жадид мактаби ва унинг тарғиботчилик ҳаракати вужудга келган. Бу зиддиятли даврда ўлкани ғафлат ва маърифатсизлик ботқоғидан олиб чиқиш йўлларини излаган пешқадам маърифатпарвар зиёлилар – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат ва уларнинг бошқа сафдошлари эдилар. Бу борада жадидчилик ҳаракати намоёндалари серқирра фаолиятни амалга оширган.

Бироқ, биз тадқиқ этаётган жиҳат бу жадид маърифатпарварлари ва уларнинг асарларидаги хорижий тилллар ўрганишга бўлган заруриятга қаратилади. Биргина мисол Исҳоқхон Ибрат илмий асар ва мақолаларида замондошларига Шарқ тиллари билан бир қаторда Ғарб тилларини ўрганишни тарғиб етди. Адибнинг ўзи ҳам Шарқ мамлакатларидан ташқари Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг марказий шаҳарларида истиқомат қилди[1.8]. Макка шаҳридан Қизил денгиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга келган. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг энг катта порт шаҳарларидан Бомбей ва Калькуттада яшаб, бу ерда кўп ишлатиладиган *арбаилисонни*, яъни тўрт тилни: араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганади.

XX аср бошларида Чор хукуматининг сиёсати табиийки маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилига бўлган эҳтиёжни оширди. Рус-тузем мактаблари ўлканинг йирик шаҳарларидагина эмас, балки қишлоқларда ҳам очила бошлади. Бундай мактабларда дунёвий фанлар, она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилган. Лекин ўқувчилар, рус ва хорижий тилларни мустақил ўрганувчилар учун дарслик ва қўлланмалар етишмас ёки йўқ эди.

Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин Шарқ ва Ғарб тилларини анча мукаммал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина (*Олти тилли луғат*)»[2.2]. номли луғат китобини яратган. Исҳоқхон тўра Чет элларда халқ ҳаёти, уларнинг маданияти, санъати билан яқиндан танишди, ўрганди, илмий асарлари учун қимматли маълумотлар тўплайди. Ибрат Арабистонда *француз* тилини, Ҳиндистонда *инглиз* тилини, шу билан бирга, энг қадимий *финикия, яҳудий, сурия, юнон* ёзувларини ўрганди. Исҳоқхон Ибрат бу мамлакатларда қурилган Европа усулидаги шаҳарлар, улардаги маданий ҳаёт ва техника янгиликлари билан танишар экан, юксак техника, замонавий билимларни тушуниш учун Ғарб тилларини билиш зарур эканлигини яхши англади. Жадидлар таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, дунёда рўй

бераётган барча воқеа –ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганиш масаласини алоҳида вазифа сифатида қайд этди.

Шу каби масалалар бошқа жадид намоёндалари фаолиятида ҳам кузатилиши миллий тараққиёт ва миллий давлатчилик ривожи масалалари бугунги кунда ҳам изчил давом этаётганидан далолатдир. Бундан юз йиллар олдин маърифатпарвар ватандошларимиздан Маҳмуджўжа Беҳбудий билдирган фикрлари айниқса қимматли, унинг айтишича, миллатнинг тараққийси учун бир-неча тилларни билиш шартдир. Беҳбудий ўзи асос солган ва муҳаррирлик қилган «Ойна» журналининг 1913 йил 13 август I-сонида[3.150] «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи билан чиқиш қилади. Шунингдек, фаолияти давомида журнални тўрт тилда номлагани ҳам чет тилларни билаш ва эгаллаш фавкулотда зарурлигидан далолат беради. М.Беҳбудий бу масалада шахсан ўзи ибрат бўлиб, бир қиз ва учта ўғил бўлган фарзандларини барчасини тўртта (*арабий, русий, туркий, форсий*) хорижий тилларни мукаммал биладиган даражада тарбиялаб вояга етказган.

Яна бир жадид намоёндаси Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек халқининг миллий озодликка эришиш йўлида фаолият кўрсатган педагог, журналист, жамоат арбобидир. XX аср бошларида ўлкада юз бераётган воқеалар туфайли, халқнинг руҳи тушиб кетганини, зиёлиларнинг эса маънавий таназзул томон юз ўгирганини кўрган Мунаввар қори бу ҳолатларнинг ижтимоий илдизини текширишга уринади. Ушбу уриниш унинг мактаб ва мадраса фаолиятини тамоман ислоҳ қилиш зарур деган хулосага келишига туртки бўлди. У мадрасаларда диний сабоқлар билан бирга ижтимоий фанларни ўқитиш масаласини кўтарган. Сабаби, онгда, фикрлашда, маорифда ўзгариш қилмай туриб сиёсатда янгиланиш мумкин эмас. Мунаввар қори мактаб маориф ислоҳоти, том маънодаги миллий мактаб яратиш ниятидан сира қайтмаган. Мактабда рус тилини ўқитиш масаласини ижобий ҳал қилди, бу ҳақда Сирдарё вилоят 1-туман халқ ўқув юртлари инспектори 1914 йил 30 январда ёзган рапортида[4.20] «Фақат Мунаввар қорида рус тилини ўргатиш учун рухсат бор. Бу рус тили ўқитиладиган ягона мактабдир», дейди. М.Абдурашидхоновнинг шахсан ўзи ўқув дастурларини такомиллаштиришга ҳаракат қилди. 1914-1916 йилларга келиб Туркистондаги кўпгина мактаблар Мунаввар қори тузган дастур асосида ишлаган. Дастурга кўра мактабларда ўқиш олти йиллик бўлиб, «*Усули жадид*» мактабларининг 4-синфидан бошлаб рус тили ўқитиш кўзда тутилган.

Мунаввар қори «миллий мактаб» асосчиси бўлиб қолиш билан бирга чет элга болаларни ўқишга юбориш масаласини кўтарди. Ўз фаолиятида Мунаввар қори бу билан кифояланмай, «Нашри маориф» уюшмаси томонидан ҳам талабаларга ёрдам кўрсатади.

Жадидларнинг машхур вакилларидан бири Абдулҳамид Чўлпон аввал эски мактабда ўқиб ҳат-саводини чиқаргач Андижон ва Тошкент мадрасаларида *араб, форс, турк* тилларини мукаммал эгаллайди. Аммо даврнинг шиддати зўр эди, ҳаёт тез суръатлар билан ўзгариб бормоқда эди. Янги пайдо бўлаётган ижтимоий муҳитда самарали фаолият кўрсатмоқ учун анъанавий билим билан чегараланиб қолиш мумкин эмас эди. Замонанинг зайлини чуқур ҳис этган Чўлпон Андижонда янги очилган рус-тузем мактабига ҳам кириб ўқийди, у ерда бир қанча дунёвий илмларни, айниқса, рус тилини мукаммал ўрганади[5.6]. Рус тили орқали Чўлпон нафақат Россия, балки бутун Европа тарихи ва маданиятининг дарчаларини кенг очиб берди.

Абдулла Авлоний Туркистон миллий уйғониш адабиётининг эътиборли вакилларидан, шоир, драматург, журналист. Айни пайтда, мураббий, илк дарсликлар муаллифи. «Мактаб», «Нашриёт» ширкатлари муассиси. Ўзбек театрининг асосчиларидан – Тошкентдаги «Турон» театр ҳаваскорлари гуруҳи тузувчиси. Ниҳоят, Афғонистон ва Туркистон ўртасидаги ўзаро қўшничилик муносабатларини ўрнатишга уринган янги давр дипломатларидан эди. Абдулла Авлоний форс, рус, озарбойжон, араб тилларини яхши билган[7.78], шарқ ва ғарб маданияти билан яхши таниш бўлган Авлоний бу йўналишда 20-йилларда самарали илмий ишлар ҳам олиб борди. 1930 йилда САГУ педагогика факультетининг тил билими кафедраси бўйича профессор бўлиб тасдиқлангани бежиз эмас. У ўз халқи ғамига ҳамдардгина бўлиб қолмай, унинг истиқболи учун қайғурди, бахт ва муқаддас ғоялар учун курашга даъват қилган. Мактаблар очиб, кенг халқни маърифатли қилишга, ёшларни даврнинг илғор руҳида тарбиялашга уринди. Таълимий-ахлоқий асарлар, дарсликлар ёзиб, ўзбек педагогикаси тараққиётида сезиларли из қолдирди. Шунингдек жадидчилик ҳаракати, яъни миллий

онгнинг майдонга келиши тараққиётида катта роль ўйнаган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, чет тилини ўрганиш инсонни нафақат баркамол бўлишида ўрин тутади, балки инсон тафаккури ривожи орқали мамлакат равнақига ҳам хисса қўшади.

Демакки, улуғ аждодларимиз маърифат тарғиботчилари жадидлар фаолиятида хорижий тилларни ўрганиш ва тарғиб қилишни асосий мақсад деб шу орқали миллатни ривожлантиришда фаол бўлган. Мазкур фаолият замонавийлашиб бораётган мамлакатимиз тақдири учун ҳам муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ибрат. Танланган асарлар (Ибрат. Сиддиқий-Ажзий. Сўфизода). /Тўпловчи, нашрга тайёрловчи сўзбоши ва луғат муаллифлари: Б.Қосимов, С.Аҳмедов, У.Долимов. Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ/. – Т.: Маънавият, 1999. – 232 б. – (Истиқлол қаҳрамонлари).
2. Исҳоқхон Ибрат. Луғати ситта ал-сина. – Т.: Ильин типографияси, 1901й.
3. Беҳбудий М. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Т.: «Маънавият», 1999. – 280 б. – (Истиқлол қаҳрамонлари).
4. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар (Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.: Масъул муҳаррир: Н.Каримов). – Т.: «Маънавият», 2003. – 304 б. – («Истиқлол қаҳрамонлари» туркими).
5. Чўлпон. Яна олдим созимни. Н.Каримов, Ш.Турдиев (тўпл.) «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1991. -576б.
6. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар) Даврий тўплам №1. –Т.: «Университет» 1999. – 220 б.
7. Абдулла, Авлоний. Танланган асарлар: 2 жилдлик / А.Авлоний; (Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.: Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳ ва луғат О.Тўлабоевники). Ж. 1: Шеърлар, ибратлар. – Т.: «Маънавият», 2006. – 272 б. – (Истиқлол қаҳрамонлари)

# "GULSHANI DAVLAT" ASARIDAGI MASNAVIYLARDA MAVZU VA G'OYA

**Hulkar Ibragimova,**
Urdu Adabiyotshunoslik:
o'zbek adabiyoti yo'nalishi
211-guruh magistranti

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada mumtoz adabiyotimizning yirik namoyondasi Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiyning "Gulshani davlat" asarida masnaviylarning mavzu va g'oyasi haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** masnaviy, tarixiy-badiiy asar, xon, nasihat.

Mumtoz so'z san'atida nasriy asarlar tarkibida nazmiy parchalar keltirish ijod ahli uchun an'ana tusini olgan. Muhammad Rizo Erniyozbek o'g'li Ogahiy ham o'zining "Gulshani davlat" tarixiy asarini yozishda ushbu an'anaga sodiq qolgan. Muayyan fikr, maqsad yoki holatni ta'sirli va jozibali ifodalashda qator she'riy shakllarga, xususan, masnaviy shakliga ham ko'p o'rinda murojaat qilgan.

"Gulshani davlat" tarixiy-badiiy asari tarkibida hajm jihatidan ham, mavzu va g'oya jihatidan ham eng ko'p uchraydigan janr bu masnaviylardir. Ushbu asarda she'riy matnlar mavzusiga ko'ra quyidagicha tasnif etildi: 1) joy nomlari tavsifi 2) xon va uning a'yonlari, tarixiy shaxslar vasfi; 3)tarixiy voqealar, jang-jadal bilan bog'liq, harbiy yurishlar qozg'alonlar tasviri;4) shikor – ov tavsifi; 5) xalq hayoti bilan bog'liq voqealar tasviri 6) nasihat turidagi masnaviylar talqini

**1.Joy nomlari tavsifi.** Ogahiy "Gulshani davlat" asarida ko'plab joy nomlari haqida to'xtalib o'tadi.

Bo'lub roqib amiri charxsavlat
Hiloliy sarig'a qildi azimat.[1]

deb boshlanuvchi masnaviysi 5 baytdan iborat bo'lib, ushbu masnaviyda shahzoda Sayyid Mahmud to'raning Toshhovuzdan chiqib Xivaning janubida joylashgan Xonobod atrofiga ko'chganligi haqida bayon qilinadi.

Shahekim erur shohlar zubdasi,
Jam'i falak johlar umdasi. (145-b)

Ushbu masnaviy 6 baytdan iborat bo'lib, unda sayyid Muhammad Bahodirxonning sayr va azmi tamoshaga otlangani Oqmasjidni ziyorat qilgani va Nayman hududlarida shikor uyushtirgani tavsif etiladi. Tavsif so'ngida Ogahiy yuqoridagi masnaviyni keltirib o'tadi. Masnaviyda Sayyid Muhammad Bahodirxonni adolatda mislsizligi, saxovatda esa Hotam bilan safdosh bo'la olishini ta'kidlaydi.

**2. Xon va uning a'yonlari, tarixiy shaxslar vasfi.** "Gulshani davlat" badiiy uslubda yozilgani sababli unda muallifning adabiy-estetik ideali talqini masalasini o'rganish zarurati yuzaga keladi. Shuni aytib o'tish joiz, asarda ijodkor ideali xon timsolida tasvirlangan. Bu turkum she'rlarda vasf etilishicha, xonning shunchalik saxiy, hatto xayr-u ehsonidan ulus barcha shodon. Birgina misol:

…Xosa fazl ahliga qilib ehson,
Aylar erdi ko'ngullarni shodon.[2]

Muarrix xon va uning a'yonlari haqida tarixiy voqealarni keltirib xulosa o'rnida she'riy shakllardan unumli foydalanadi. Chunonchi, xonning ilm ahliga homiy ekanligi, ma'rifatli kishilarni o'ziga ayon tutganligi haqida yuqoridagi masnaviyda keltirib o'tadi.

Xonning harbiy sifatlari, jang san'atini puxta egallaganligi, dovyurakligi haqida gapira turib quyidagi masnaviyni fikrining dalili sifatida keltirib o'tadi:

Qachon ilkiga olsa shamshiri kin,
Falak der edi yuz tumon ofarin.
Qo'lig'a olur chog'da tiyg'-u sinon,
Topar erdi larza zamin-u zamon. [3]

**3. Tarixiy voqealar, jang-jadal bilan bog'liq voqealar tavsifi.** Ogahiy buyuk tarixchi

1 Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonova Q.-Toshkent:Mumtoz so'z,2019.-103 b.
2 Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonoa Q.-Toshkent:Mumtoz so'z,2019.20-bet.
3 O'sha manba- 21-b

sifatida Xiva xonligida yuz bergan voqealarni aniq dalillar bilan voqealarni ro'y-rost aytib o'tadi. Shuningdek, asarda Mahmudniyoz yasovulboshining Ernazarbiy qasdig'a sipohi nusratar bilan jangga kirgani, xonning yordami ila qal'ani egallab olgani va Ernazarbiyning boshini xonga yetkazgani tavsifini berib o'tar ekan quyidagi masnaviyni xulosa o'rnida keltirib o'tadi:

Bahodirlar ul nav' tuzdi masof,
Kirib vahmidin larzag'a ko'hi Qof.
Surub raxsh, qildilar adog'a tig',
Chiqib gardi gardunga andoqqim mig'. [1]

Bahodirlarning shiddatini ko'rganda hatto ko'hi Qof ham larza tushgani , otlarini minib dushmanga tik borib jang qilganlarini mohirona tasvirlaydi. Bu mavzudagi she'rlarda zohiran Xiva askarlarining jasorati vasf etilgandek ko'rinsa ham, nazmiy matnlar zamirida ulug' mutafakkirning bunday harbiy mojarolarni ma'qullamasligi sezilib turadi.

**4. Sayr-u shikor tavsifi.** Asarda Sayyid Muhammad Bahodirning ko'plab sayr-u shikorlar o'tkazgani hamda ulug'lar qabrlarini ziyorat qilganligi haqida ham ko'plab ta'rif tavsiflar berib o'tiladi. "Kim qabrlarni ziyorat qilsa, Alloh taolo har qadamiga bir yillik ibodat savobini yozadi" hadisiga amal qilgan holda Sayyid Muhammad Bahodir ham ulug'lar qabrini ziyorat qilish uchun yo'lga otlanadi. Ziyorat qilish mobaynida xon fuqaro va masokinning ahvolidan ham xabar oladi. Ziyorat so'nggida esa Amudaryo bo'ylarida sayr-u shikor o'tkazadi. Sayr-u shikor tavsifi berilgach quyidagi masnaviyni keltirib o'tadi:

Zavraq ichra qilib shahi odil,
Mahi nav ichra mehrdek manzil.[2]

Sayr-u shikorning ko'ngilga naqadar taskin bo'lishi, safar barcha uchun, ayniqsa, sultonlar uchun vojibligi haqida quyidagi masnaviyni keltirib o'tadi:

Ko'ngul tanglikidin gar etsang hazar,
Gahi irtikob ayla sayr-u safar.
Safar barcha elga munosibdirur,
Xususan saloting'a vojibdurur. [3](147-b)

Sayr-u shikor mavzusidagi masnaviylar, muallif ta'kidlaganidek, hukmdorning mamlakat hududlarini aylanib, fuqaro ahvolidan xabar olishiga oid voqelik qalamga olingani jihatidan ham, Xorazm hududining tabiati, hayvonot dunyosi haqida qimmatli ma'lumotlar berishi nuqtai nazaridan ham alohida ahamiyatga molik. Ayni shu xususiyatlari ushbu masnaviylarning asar umumiy mazmunini to'ldirishda, uni poetik jihatdan sayqallashda muhim o'rin tutishini ko'rsatadi.

**5. Xalq hayoti bilan bog'liq voqealar tasviri.** Asarda 1855-yilda yuz bergan ochlik balosi juda keng qamrovli timsollar va obrazlar bilan keltirib o'tilgan. Ochlikdan xalqning toqati toq bo'ladi, sabr kosasi limmo-lim to'lib, "pichoq suyakka yetadi". Hayot sharbatini mamot zahridan ustun qo'yadilar. Natijada xalq harakati boshlanadi. Bu holat "Gulshani davlat"da quyidagicha bayon qilinadi: "Lojaram fuqaro va raoya ochlig' balosining shiddati va zolimlar jafosining suhbatiga tob-u toqat keltira olmay, jon muhabbati va jon lazzatidan ilik chekib, mamot zahrin hayot sharbatiga tarjeh qilib, sanasi mingikki yuz yetmish oltig'a dohil bo'lgandan so'ng muharram oyining to'rtida panjshanba kuni barcha ittifoq bila Boboxo'ja va Qulman dorug'a boshliq nujum xaylidek hujum ko'rguzub, Muhammad panohxon ul xoldin xabar topib o'zining ansoru a'voni bila xovlig'a qabolib, multuq otib, mudofaa amriga mashg'ul bo'ldilar. Choshtdin to peshingacha ikki tarafdin miltiq otushib va hamla qilishib, juhdi tamam va ma'iy molakalom bilan muhoraba va munozaraba ishig'a iqdom uv qiyom ko'rguzdilar." Bu jang tasvirini Ogahiy badiiy lavhalarda quyidagicha ifodalaydi:

Ikki soridin aylab ohanggi jang
Qilib qasd bir-biriga bedarang
Bo'lub har taraf hilvatgar xarbolar
Ikki yonga ham yetkurib zarbalar.[4]

Ochlik va tanqislik xalqning ko'ksini yoriq, tilka pora qilgan, rang-ro'yini sarg'aytgan. Va oxir ular oqibat harom qilingan narsalarni yeb, jon saqlash uchun urinishga majbur bo'ladilar.

---

1 Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonoa Q.-Toshkent:Mumtoz so'z,2019.82-bet.
2 O'sha manba 299-bet
3 O'sha manba 147-bet
4 Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonoa Q.-Toshkent:Mumtoz so'z,2019.264-bet.

Qolaversa har turdagi soliqlar xalqning moddiy ahvoli og‘irlashuviga olib keladi. Natijada xalq qo‘zg‘olonlariga sabab bo‘ladi. Og‘ir soliqlardan norozi bo‘lgan raiyat xonga itoat etishdan, bo‘ysunishdan bosh tortgan.

**6.Nasihat ruhidagi masnaviylar.** Ogahiy tarixni hikoya qilar ekan o‘z o‘rnida xon va uning amaldorlariga pand-nasihatlar ham berib o‘tadi. Xon va uning amaldorlariga e’tiborli bo‘lishni, dahr aro sohibixtiyor bo‘lishni , yo‘qsa bir kun kelib ixtiyorni charx tortib olishi va oxir oqibat yer tubiga tortishi haqida nasihat qiladi.

Nechakim, ahli e’tibor o‘lg‘il,
Dahr aro sohib ixtiyor o‘lg‘il.
Ixtiyoringni charx olur oxir,
Yer tubiga seni solur oxir.[1]

Ogahiy boshqa yana bir masnaviyda yaramas insonlarga ko‘ngul qo‘yish xato ekanligi, ular senga ikki dunyoda ham oshno bo‘la olmasligi, ularni qancha tarbiya qilsang ham xuddi ilon zahrini mustahkamlagan bo‘lasan, qancha ehson qilsang ham oxir joningga qasd qilishlari to‘g‘risida quyidagi masnaviyda aytib o‘tadi:

Ko‘ngulni nojinsga bermak xatodur,
Ki xilqatda senga nooshnodur.
Erur begonag‘a tarbiyat etmak,
Ilonning zahriga taqviyat etmak.
Bularga har nechakim qilsang ehson,
Senga oxir bo‘lurlar qosidi jon.[2]

Asar so‘nggida Sayyid Muhammad Bahodirxonning vafot etishi, o‘rniga valiahd 19 yoshli Muhammad Rahimning xon qilib ko‘tarilishi hikoya qilinadi. Ana shu tarixiy munosabat bilan shoir Feruzga bag‘ishlab ilk masnaviysini yozadi va mazkur masnaviyni “Gulshani davlat” asarining so‘nggida keltirib o‘tadi.138 baytdan iborat “Ayo, xusravi ma’dalat dastgoh” misrasi bilan boshlanuvchi ushbu masnaviy qo‘lyozmaning eng so‘ngi[3] 178 b 183 b sahifalarida joylashgan. Ushbu masnaviy ham tom ma’noda pand nasihat ruhida yozilgan bo‘lib davlatni boshqarishda dasturulamal vazifasini bajargan.

Masnaviyda dastlab muallif Feruzni ota taxtiga o‘tirganligi bilan muborakbod etadi.Unga padari buzrukvorining vafoti munosabati bilan hamdardlik izhor qiladi. Shundan so‘ng asosiy niyatga o‘tib yangi xon sifatida mamlakatning gullab yashnashi, farovon bo‘lishi va rivojlanishi uchun nimalarga e’tibor berishi haqida aytib o‘tadi.

Ogahiy “Gulshani davlat” asaridagi deyarli barcha masnaviylarda mamlakat farovonligi va xalqning osoyishta turmush kechirishi uchun zaruriy shart-sharoitlar haqida kuyunib qalam tebratadi. Bu bilan Ogahiy nafaqat shoir, muarrix yoki tarjimon ekanligi, balki chin vatanparvar, Xorazm farzandi ekanligini sezishimiz mumkun.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Пиримқулов А.Э. Огаҳий маснавийлари. Фил ф.н... диссертация. – Т., 1998.
2.Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonoa Q.-Toshkent:Mumtoz so’z,2019.-350 b.

1 Gulshani davlat. Nashrga tayyorlovchilar:Sultonoa Q.-Toshkent:Mumtoz so’z,2019.272-bet.
2 O'sha manba 50-bet
3 Gulshani davlat. O’z FA SHI. Saqlanish raqami 7522

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2023

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000